

Хабар

36
(937)-son

3-sentabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Сахро бағрида

“Калдирғоч” завод



Ватанимиз
Мустақиллигининг 19
йиллиги нишонланадиган
кутлуғ шодиёна
арафасида «Навоий»
эркин саноат-иктисодий
худудида рақамли
телевизион қабул
килгичларни ишлаб
чиқаруви янги завод
ишга тушди.

3-бет



“ТУРОН” ЯНГИ БИНОДА

Истиқлолимизнинг 19 йиллиги арафасида Тошкент вилояти “Турон” ахборот-кутубхона маркази ўз фойдаланувчиларига тухфа ҳозирлади. Замонавий ва тўлақонли хизматлар кўрсатиш учун барча шарт-шароитларга эга янги бино китобхоналар учун эшикларини очди.

Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда унинг тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбар-ҳодимлари, ёзувчи ва олимлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўлкамиздаги илк ўзбек маърифат марказларидан бири бўлган “Турон” кутубхонаси қарийб бир асрлик тарихга эга.

У 1913 йилда бир гуруҳ ўзбек тараққийпарвар зиёлилари — Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Юсуф Алиев ва бошқалар томонидан ташкил этилган “Турон” жамияти негизда барпо этилиб, 1918 йилдан собиқ Маҳсидўзлик кўчасида иш бошлаган.

5-бет



Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Американинг Дрексел университети ҳамда Француз илмий тадқиқотлар маркази (CNRS) физиклари муҳим ихтирони амалга оширишди. Бу янгилик келгусида ҳафталаб зарядқасиз ишлайдиган смартфонлар ёки кеча-кундуз ўчмасдан ишлайдиган нотбукларни яратишда қўл келиши мумкин.

Ҳап бу ерда аккумуляторнинг янги бир тури ҳақида кетаётгани йўқ. Олимлар инновациялар асосида суперконденсатор ясашди — у телефон, ноутбук, электромобил ва ҳоказоларни жуда тез ва узоқ муддатга зарядлайди. Конденсатор электр зарядларини тўплашга хизмат қилувчи микросхемалар компоненти бўлиб, асосий ашё сифатида наноолмослардан фойдаланилган.

Эндиги масала қурилманинг таннархини камайтириш йўлларини топишдир, шундагина уни оммавий равишда чиқариш мумкин бўлади.

Ушбу сонда:

■ Муносиб тақдирландилар	2
■ Почта маркасига тенг қаттиқ диск	4
■ Единая информационно-библиотечная сеть вузов – улучшение качества учебно-воспитательного процесса	6
■ Мини почта: «Кичик Европа»га саёҳат	11
■ Нурли манзиллар	14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

сифат рамзидир

Umadan umagacha

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанмиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Гоят кўтаринки руҳда ўтган мазкур шодиёнада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқимизни истиклолимизнинг ўн тўққиз йиллик байрами билан муборакбод этди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига узоқ ва яқин хорижий давлатлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар бошлиқлари номидан самимий табрик мактублари келди. Табрик мактублари келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 август куни истиклолимизнинг 19 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф давомида Президент истиклол байрами арафасида барпо этилган "Бухоро маданий маркази" мажмуи ва мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, жумладан, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи билан танишди.

Қўрғонимиз шу куни Баҳодурдин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонига 31 август тонгида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонларни ёд этиш маросими ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этиб, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёдилар билан сўхбатлашди.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг жорий йилдаги ғолиблари номи аниқланди. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимини мазкур ижодий танлов ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

Шу йил 28-29 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кунлик ялпи мажлис мобайнида ўн тўққизта масала, шу жумладан, ўн иккита қонун кўриб чиқилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Муносиб тақдирландилар

Газетамизнинг ўтган сонидида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан соҳада фаолият кўрсатаётган ва унинг талаб даражасида тақомиллашуви ҳамда мамлакат иктисодиётининг ривожланишига ўзининг салмоқли хиссасини кўшиб келаётган бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирлангани хақида хабар берган эдик.



29 август куни Агентлик мажлислар залида ушбу мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

Кун тартибидида: ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ БАЖАРИЛИШИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хай'ат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори, Хай'ат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

Кун тартибидидаги биринчи масала — "Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармалари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида" Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Соатов маъруза қилди.

Режага мувофиқ 2010 йил август ойида Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг вилоятдаги қуйи таркибий бўлинмаларида соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 29 декабрдаги 416-буйруғи билан тасдиқланган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ташкилий-бошқарув ҳужжатлар турлари, таркиби ва расмийлаштириш раҳбарий ҳужжати" талабларининг бажарилиши ўрганилди.

Ўрганишларни ташкил қилиш учун Ишчи гуруҳ тузилди, ўрганиш натижалари бўйича тегишли маълумотлар тайёрланган. Мазкур ўрганишлар олгита асосий йўналиш бўйича ташкил қилиниб, улар натижасида ижобий ҳолатлар ва камчиликлар аниқланди.

Мурожаат ва шикоятлар билан ишлаш тизимининг ҳолати бўйича берилган маълумотта қўра, 2009 йил бошидан то ўрганиш ўтказилган кунга қадар

Фарғона вилояти ДАИга корхона ва ташкилотлар устидан 240та мурожаат, шундан 230таси шикоят тарзда қайд этилган, шулардан 208таси асосли эканлиги аниқланган. "Ўзбектелеком" АК "Фарғона Телеком" филиалига 265та мурожаат шундан 264таси шикоят, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалига 184та мурожаат, шундан иккитаси шикоят, ТАТУ Фарғона филиалига 294та мурожаат шикоят тарзда қайд этилмаган, "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Фарғона боғламасига 24 мурожаат келиб тушган, Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказига 3та мурожаат тушган. Мазкур даврда барча мурожаат ва шикоятлар кўриб чиқилган.

Ўтган йиллар билан таққосланса, вилоятдаги корхона ва ташкилот бўлинмаларига фуқаролар томонидан тушган мурожаат ва шикоятлар сони 15 фоизга ошган.

Шикоят келиб чиқишига йўл қўйган ходимларга нисбатан барча корхона ва ташкилотларда кескин чоралар кўрилган.

Маърузачи, шунингдек, ҳужжатлар бўйича қарорлар қабул қилинишини ташкил этиш, уларни ижрочиларга етказиш; назорат остидаги ҳужжатларнинг бажарилишини ташкил этиш; ижронинг назорат қилувчи таркибий бўлинма, унинг малакали кадрлар билан таъминланганлиги ва уларга яратилган иш шароитининг ҳолати; ижро интизомини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда идоравий архив ҳолати бўйича маълумот берди.

Хай'ат йиғилишида кун тартибидида киритилган масалалардан ташқари, "Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами кунларида телекоммуникация тизимининг узлуксиз ва си-

фатли ишлашини таъминлаш" ҳамда "2010-2011 кузги-қишки мавсумга тайёрлик кўриш" масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалалар юзасидан Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев маъруза қилди.

Муҳокама давомида кўтарилган масала бўйича назорат ва эътиборни кучайтириш, белгиланган вазифаларни сифатли бажариш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб-ушумаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев кун тартибидидаги навбатдаги масала юзасидан маъруза қилди. "2010 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб-ушумаси марказий кенгаши ўртасида 2009-2011 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг бажарилиши тўғрисида"ги маърузада таъкидланишича, 2010 йил 1 январ ҳолатига қўра соҳада Тармоқ келишуви, битта ягона Жамоа шартномаси ва 196та жамоа шартномалари тузилган ҳамда амал қилмоқда. Ходимларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш даражаси 99,9 фоизни ташкил этади.

2010 йил биринчи ярим йилликда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича ўртача иш ҳақи 206,2 минг сўмини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 1,24 баробарга кўпдир.

2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан асосий эътибор кам таъминланган ва ёш оилаларга, олий ўқув юрларида таҳсил олаётган талабаларга, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига моддий ёрдам беришга қаратилди.

Маърузалар юзасидан муҳокама-ларда Хай'ат аъзолари иштирок этиб, тақдиф ва фикрларини билдирдилар.

Хай'атда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сахро бағрида “қалдирғоч” завод

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Мамлакатимизнинг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида эришган тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан Ўзбекистонда замонавий ахборот ҳамжамияти шаклланишига замин яратади. Мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнини ривожлантириш сиёсатининг асосий тамойиллари бевосита янги телекоммуникация тизимларини шакллантиришга, фуқароларнинг алоқа воситаларидан эркин фойдаланишларига имконият яратишга, уларнинг фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Айни пайтда мамлакатимизда Президентимизнинг 2009 йил 12 мартдаги “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг бажарилиши юзасидан турли соҳаларда ишлаб чиқариш индустриyasi жадал ривожланмоқда.

Маликчўл бағрида қад ростлаган бу «қалдирғоч» завод ҳам Президентимизнинг айнан юқоридаги қарори ижросини таъминлаш самарасидир.

Заводнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳаким Муҳидинов иштирок этди.

— Лойиҳани амалга ошириш учун 6,8 млрд. сўм маб-



лағ сарф этилди, — дейди “Telecom Innovations” МЧЖ шаклида ташкил этилган Ўзбек-Сингапур қўшма корхонаси директори Фирдавс Алиев. — “Servetechno PTE LTD” (Сингапур) компанияси, “Ўзбектелеком” АК ва “Telmax Elektroniks” МЧЖ (Ўзбекистон) каби ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корxonанинг ишлаб чиқариш қувватини йилга 50000дан зиёд Set-top-boxга етказиш режалаштирилган бўлиб, янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Республикаимиз аҳолиси учун сифатли телекўрсатувларни етказиб бериш мақсадида рақамли телевидение технологиялари босқичма-босқич жорий этилиб, 2015 йилгача рақамли телевидени-

ега тўлиқ ўтиш мўлжалланган. Шу боис бу заводнинг ишга туширилиши айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Заводнинг умумий ер майдони 0,8 гектарни, ишлаб чиқариш майдони 0,28 гектарни ташкил этади. Курилиш ишлари “Aloqaloyiha” ДУК, техник назорат Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази томонидан амалга оширилди, “Zamin Qurilish Technologiya” МЧЖ лойиҳанинг бош пудратчиси сифатида курилиш ишлари тез ва соз бажарилишига бош-қош бўлди.

— Мазкур қўшма корxonанинг очилиши нафақат Ўзбекистон тараққиётига, балки навоийликлар учун фаровон турмуш шароитларини таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади, — дейди корхона цех бошлиғи Отабек Искандаров. — Чунки бугунги кунда Навоий вилоятидаги касб-хўнаар коллежлари битирган ёш мутахассислардан 22 нафари заводнинг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришганлиги республикаимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар кенглигини намоён этиб турибди.

Ёшларга “Telmax Elektroniks” МЧЖнинг ишлаб чиқариш бошлиғи Фахриддин

Қўзибоев ва Тўлқин Усмоновлар бу жараёнинг нозик ва мураккаб томонларини ўргатмоқда.

Замонавий техника дастгоҳлари билан жиҳозланган заводда бошдан оёқ бир хил оппоқ иш кийимида, ҳатто оқ қўлқопларда иш бажаряётган ёш йигитларни кўриб ҳавасингиз келади. Навоий компютер технологиялари касб-хўнаар коллежи битирувчиларидан Ғулом Бўриев, Азим Сирожев, Сардор Ҳамдамов, Ортиқ Холмуродов, Навоий техника коллежи битирувчиси Камолиддин Умаров, Қармана туман маиший хизмат касб-хўнаар коллежини битирган Умид Турдиев каби ёшлар кунт ва катта қизиқиш билан иш ўрганаётганликлари барчамизни қувонтирди. Истиқлол байроғи истиқбол эгалари қўлида эканлиги қалбларга ғурур бағишлади.

Қўшма корxonанинг очилиш маросимида иштирок этганлар улкан бунёдкорлик майдонига айланган, гулларга бурканган, юксак тараққиёт сари одимлаётган вилоятда Ҳазрат Навоий орзуларига рўёбга чиқаётганлигидан фахр ва ифтихорни яна бир қарра ҳис этдилар.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири



Тўёна

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида байрамларни кўтаринки руҳда нишонлаш анъанаси айланган.

Яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида “Баркамол авлод йили”га бағишлаб ўтказилган республика спартакиадасининг Тошкент шаҳри иккинчи босқич мусобақаларида “ТошТТС” жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кенгашининг 1 даражали дипломи билан тақдирланди.

Янги ўқув йили ва мустақиллик байрами муносабати билан 27 август кунини филиалимизда 1-синфга чиқувчилар учун “Ассалом мактаб” талбири бўлиб ўтди. Тадбирда 15 нафар ходимнинг фарзандлари иштирок этиб, улар ўқув қуролилари билан тақдирландилар. Тадбирга бир қатор санъаткорлар ҳам тақдир қилиндилар. Айниқса, “Кўзmunчоқ” рақс гуруҳи қизлари ижросидаги чиқишлар болажонларда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида болажонлар учун “Ёш томошбинлар театри” актёрлари “Сехрли кулбача” спектаклини намоён қилдилар.

“Бундай талбирларни ўтказишдан мақсад — ёшларимизда миллий урф-одатларимизни қадрлаш, инсонпарварлик ва меҳрмуруват туйғуларини янада мукаммал шакллантиришдан иборат”, — дейди филиал касабга уюшмаси раиси Д.Усмонов.

Корхонаимизда 28 август кунини мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда бир гуруҳ алоқачилар фахрий ёрликлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Маҳмуда АРИПОВА,
“ТошТТС” филиали
маънавий-маърифий
ишлар методисти



Билимлар кунини

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида “Билимлар кунини” ўтказилди.

Тадбирда филиалнинг профессор-ўқитувчилари, вилоятда фаолият олиб бораётган алоқа корxonаларининг раҳбарлари, вилоят ва Қарши шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ота-оналар ва талаба ёшлар иштирок этдилар.

Билимлар кунига бағишланган тантанани филиал директори Одилбек Турғунов кириш сўзи билан очди. Давлат

мадҳияси янграб, бирин-кетин иқтидорли талабалар, ота-оналар, меҳмонлар сўзга чиқдилар.

2010-2011 ўқув йили учун ТАТУнинг Қарши филиали 170 нафар ёшларни ўз бағрига қабул қилди.

Тантанали маросимдан сўнг талаба ёшлар учун “Бу азиз Ватанда азиздир инсон” мавзусидаги Мустақиллик машғулоти бошланди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарь
вилоятидаги мухбири

Xalqaro haqot



ЧЕХИЯ ҶЗ ЭЛЧИХОНАЛАРИНИ КИСҚАРТИРАДИ

Чехия президенти Европа Иттифоқидаги бир қатор элчихоналарни ёпиш таклифи билан чиқди.

ЕИга аъзо барча давлатлардаги элчихоналарни сақлаб туриш мақсадга мувофиқ эмас, деган президент Вацлав Клаус Ҷз чиқишида. Унинг фикрича, дипломатик вакилликлар фақат йирик ва доимий ҳамкор мамлакатлардагина қолиши керак.

Бюджетдаги қисқартишлар муносабати билан ташқи ишлар вазирлиги бир-бирига яқин давлатлардаги элчихоналарни бирлаштириш ва худудий элчихоналар ташкил этиш режасини илгари сурмоқда. Шу орқали иқтисодда кўринарли олга силжишга ва бюрократик ҳолатларни камайтиришга эришиш мумкин.

Ҷз навбатида, президент Чехиядан узоқда бўлган ҳамкор давлатлардаги элчихоналарни ёпишга қарши эканлигини билдирди.

Мамлакат бош вазири Петер Нечас режасига кўра, яқин орада Конго, Венесуэла, Кения, Яман ва Коста-Рикадаги чех элчихоналари ёпилади.

ҚАРЗ ОРТИБ БОРМОҚДА

Арманистон моллия вазирлиги тахминий маълумоти бўйича июн охирига кўра мамлакатнинг умумий қарзи 1259 млрд. драм (3,5 млрд доллар)га етган. Мамлакат Миллий статистика хизмати хабар беришича, бундан давлатнинг ички қарзи 146,5 млрд драмни, ташқи қарзи эса 1112,6 млрд. драм ёки 3027,4 млн долларни ташкил этади. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг декабрига нисбатан икки фоиз кўпдир.

Покистон: МАЗҲАБЛАРАРО ЗИДДИЯТЛАР

Покистонда диний маросим қатнашчилари террорчилар томонидан ўққа тутилган, натижада ўнлаб кишилар ҳалок бўлган ва яраланган.

Associated Press хабарига кўра, террорчи-камикадзелар Лахорнинг учта турли жойларида портлашни амалга оширган. Шиаларнинг биринчи имоми Али ибн Абу Толибнинг вафот этган кунини нишонлаётган шиа мазҳабига эътиқод қилувчи кишилар террорчилар қурбони бўлишган.

Лахор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар терактларни худудда яшовчи шиа ва сунний мазҳабдагиларнинг қарама-қаршилиги оқибати деб ҳисобламоқда. АР агентлиги хабар беришича, сўнгги вақтларда кам сонли шиалар вакилларининг радикал суннийлар қурбонига айланиши тез-тез учрамоқда.

Мамлакат бош вазири Юсуф Разо Гилоний теракт масаласи бўйича қилган мурожатида портлашни уюштирганларни топишни ва жазога тортишни ваъда берди.

Deutsche Bahn ТЕМИР ЙЎЛЛАРИНИ УЗАЙТИРМОҚЧИ

Германия темир йўли (Deutsche Bahn) концерни Лондон ва Парижни боғловчи Ла-Манш тоннели остидаги темир йўлда ICE тезжорар поездни синовдан ўтказмоқчи. АРР хабарига кўра, синов 19 октябрда режалаштирилган.

Синовдан сўнг ICE поездига Франция ва Буюк Британия ўртасида қатнашга рухсат олиш кутилмоқда. Бунгача ушбу тоннелдан фақат Eurostar компанияси поезди қатнаган.

1994 йилда ташкил этилган Deutsche Bahn концерни Европадаги энг йирик транспорт компанияларидан биридир. Концерн 150 мамлакатда Ҷз бўлимларига эга.

Интернет материаллари асосида
У. ЙУЛДОШЕВ тайёрлади.

INTERNET

«Ҷргимчак тўри» кенгаймоқда

Ўтган ой якунига келиб интернетга уланган қурилмалар сони жаҳонда 5 миллиарддан ошган. IMS Research компанияси ҳисоб-китоблари яна ўн йилдан сўнг бу рақамлар ўн бараварга кўпайишини кўрсатмоқда.

Бир қарашда уланишлар янги тўлкинини мобил телефонлар ва янги тоифа маиший техникаси юзага келтиргандек туюлади. Аммо бу «музтоғ»нинг юзаси, холос. Агар зимдан кузатилса, интернет оқими ҳаракатлантирувчилари жуда кўплигига амин бўлиш мумкин. Булар – «ақли» электр тармоқлари, электрон кузатув камералари, жамоат ва йўл ҳаракати хавфсизлиги қурилмалари ва ҳоказоларидир.

Ҳозир бир кунда интернетга тахминан бир миллиард компютердан кирилади. Мобил телефонлар ҳиссаси янада юқори. Агар буларнинг ёнига тобора оммалашаётган планшет компютерлар, электрон китоб ўқиш қурилмалари, интернет-телевизорлар, видеокамералар, фоторамка ҳоказо қурилмаларни қўшсак 2020 йил учун башорат ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.



TEKNOLOGIYALAR

Почта маркасига

ТЕНГ ҚАТТИҚ ДИСК

SanDisk компанияси катталиги почта маркасича ҳам келмайдиган ултраоққа iSSD қаттиқ сақлагичини ишлаб чиқди. Компания эътироф этишича, бу SATA тез интерфейсига эга биринчи флэш-SSD-қурилмадир.

Янги «диск» саноат миқёсида маълумотларни сақлаш учун ташқи флэш-сақлагичлардан фойдаланиш талаб қилинмайдиган ихчам мобил қурилмаларни ишлаб чиқаришга туртки бўлиши мумкин.

SanDisk iSSD 4, 8, 16, 32 ва 64 гигабайт ҳажмларда чиқарилмоқда. Ўлчами: 16x20x1,85 миллиметр. Оғирлиги 0,83 грамм (4 гигабайтлиги) 1,3 грамм (64 ГБ)гача.

Е-КИТОВ

Буниси қулайроқ

Marketing and Research Resources компанияси сўровномасига кўра, электрон китобдан фойдаланувчилар қоғоз китобни мутолаа қилувчиларга қараганда кўпроқ ўқишмоқда.

Сўровномада Kindle, iPad ва Sony Reader қурилмаларидан фойдаланувчи 1200 киши қатнашди. Уларнинг 40 фоизи мазкур қурилмаларни сотиб олгач ўқишга зўр берганини билдирган. 58 фоизи суръатни ўзгартирмаган, 2 фоизи бўлса ўқишга иштиёқи пазайганини тан олган.

Ҷз навбатида, Amazon интернет-дўкони маълум қилишича, унинг Kindle қурилмаларини сотиб олган миқозлари интернет орқали илгарига қараганда 3,3 баравар кўп китоб харид қилишяпти.

Яна бир қизиқ маълумот, электрон қурилмани танловчилар орасида эркаклар кўпчилигини ташкил этса, қоғоз китоб мутолаа қилувчиларнинг аксарияти аёллардан иборат.

ЖАМИАТ

Онлайн ҳаёт

Британия алоқа соҳаси мувофиқлаштирувчи ташкилоти – Офсомнинг маълумот беришича, Қўшма Қироллик фуқаролари вақтларининг 45 фоизини замонавий технологияларга сарфлашаркан. Бунга телевизор кўриш, мобил телефонда сўзлашиш, интернетдан фойдаланиш ва бошқалар кирди. Онлайндаги вақтнинг чорак қисми ҳар хил ижтимоий тармоқлардаги мулоқотларга кетаётган бўлса, ўртача 3 соат 45 дақиқа телевизор қаршида ўтапти.

Ҳар тўртинчи британияликда смартфон бор. 2009 йили мамлакатдаги мобил алоқа абонентлари рекорд кўрсаткич – 104 миллиард SMS йўллашган, бу ҳар бир фуқарога 1700тани ташкил этади.



3D

Яна ўн йил кутамиз

Cisco компанияси раҳбари Жон Чемберс 3D-телевидение ривожланиши борасида Ҷз фикрларини билдирди. Унинг айтишича, жисмларни тўлиқ акс эттира оладиган ҳақиқий тизимлар юзаган келиши учун яна ўн йилча вақт бор.

Бу йўналишда бир қатор ишланмаларга эгамиз, бироқ улардан тижорий мақсадларда фойдаланиш учун ўта кучли маълумот узатувчи тармоқлар даркор.

Cisco маълумот беришича, 2009-2014 йиллар давомида интернетда узатилаётган маълумотлар ҳажми тўрт бараваргача ошиб, 767 экзабайтни ташкил этади. Бу маълумотнинг 91 фоизини видео ташкил этади. Компаниянинг эътироф этишича, биргина 2014 йилда интернетда узатиладиган видеони томоша қилиш учун 72 миллион йил керак бўлади.

Кўзойнакис телевизор

Япониянинг Toshiba компанияси кўзойнакис томоша қилиш мумкин бўлган дунёдаги биринчи 3D телевизорларни чиқаришни маълум қилди. Хабарларга кўра, йил охирига бориб дастлабки уч модел дўконларда пайдо бўлади.

Телевизорнинг бошқа уч ўлчамли имкониятга эга телевизорлардан фарқи ҳажмдор эффектнинг истаган жойдан ўтириб кузатиш мумкинлигида.

Айни пайтда савдода мавжуд уч ўлчамли телевизорларни фақат махсус кўзойнак билан кўриш мумкин. Бу борда Toshibaдан ташқари Panasonic, Sony, Samsung ва бошқа ишлаб чиқарувчилар ўртасида жиддий рақобат кузатиляпти.



Суратларда: 1. Нодир адабиётлар бўлими.

2-3. Компютер ва ўқув заллари фойдаланувчилар хизматида.

“Турон” янги бинода

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг илм, фан, санъат, маданият арбоблари ва ёзувчиларининг бир неча авлодлари ушбу зиё масканининг маънавий-маданий меросидан баҳраманд бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори асосида Тошкент вилояти “Турон” ахборот-кутубхона марказига айлантирилиши кутубхона тарихида бутунлай янги ривожланиш bosқичини бошлаб берди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қарамоғига ўтганидан сўнг, китобхоналарга замонавий ахборот технологиялари асосида хизмат кўрсатиш bosқичма-bosқич йўлга қўйила бошлади. Компютерлар ва нусха кўчириш ҳамда кўпайтириш техникалари олинди. “Миллий матбуот саҳифаларида” номли маълумотлар базаси ва электрон каталог ташкил қилина бошланди. Ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётлар жамланган китоб фондига эга “Ҳуқуқий ахборот маркази” ташкил этилди. “Хуқуқ” ва “Меъёр” (“Прав” ва “Норма”) ҳуқуқий ахборот-қидирув тизими ҳамда интернет тармоғига улашиш имконияти яратилди. 2008 йили “Турон” ахборот-кутубхона марказининг веб-сайти ҳамда библиографик ва тўла матнли илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларнинг маълумот базалари яратилди. Хуллас, кутубхоналар ишида ахборот-коммуникация йўналишларининг тақомиллаштирилиши янада кучайтирилди. Техника воситалари имкон қадар кўпайтирилди, бугунги кунга келиб компютерлар сони 39тага етди.

Шу кунгача “Турон” ахборот-кутубхона маркази ходимларини қийнаб



келаётган оғриқли — бино масаласи ҳам мана нихоҳат истиқлодимизнинг 19 йиллиги арафасида ҳал бўлди. Чунки кутубхона таъмирталаб, зах ва совуқ бинода фаолият кўрсатар эди. Энди эса кўркам ва чиройли, фойдаланувчи ва ходимлар учун барча қулайликларга эга бинодан жой олди. — Бинони таъмирлаш ишлари шу йилнинг феврал ойида бошланган эди, — дейди Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Эшматов. — Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 1 млрд сўмга яқин маблағ сарфланди. Умуман олганда, 2006 йилдан бери шу кунгача республикамиздаги 14та ахборот-кутубхона марказидан 11тасининг бинолари бутунлай янгича кўриниш олди. Моддий-техник базани яхшилаш учун шу давр мобайнида Агентлик томонидан 5 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Жойларда кўча кутубхоналар ташкил этиш мақсадида 2008 йили 8та, 2009 йили 12та янги “Дамас” автомашина-

лари сотиб олинди. Бу ҳукуратимиз томонидан мамлакатимизда ахборот-кутубхона марказларини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор намунасидир.

— Ҳозирги вақтда ахборот-кутубхона марказида 7 бўлим фаолият кўрсатмоқда, — дейди АКМнинг ахборот хужжатларини сақлаш бўлими бошлиғи Норбиби Ҳамидова. — Китоб фонди 380 мингдан ортиқ нусхани ташкил этади. Кўриб гувоҳи бўлганингиздек, фойдаланишдаги китоблар улкан залда қулай шаклда жойлаштирилган. Ходимларимиз фойдаланувчи сўровига қараб саноқли дақиқаларда керакли китобни топиб бера олишади. Нодир ва ноёб адабиётлар ҳам махсус хонада жойлаштирилган. 4,5 минг нусхадан иборат нодир хужжатлар ичида XIX ва XX асрларда нашр этилган маълумот ва ўлкашуносликка оид адабиётлар, жумладан, “Бобурнома”, Ибн Сино асарлари, Энциклопедия лугатлари, шунингдек, XX асрнинг бошларида чоп этилган биринчи “Тур-

кистон” газеталари мавжуд.

Янги бинода фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратилган. 50 кишилик жойга эга ўқув зали мавжуд. Фойдаланувчилар китобларни одатий каталоглар орқали қидиришдан ташқари, ИРБИС дастурида ишлайдиган электрон каталогдан фойдаланишлари ҳам мумкин. Кутубхонанинг ахборот технологиялари бўлими мудири Наргиза Кўзибоеванинг таъкиллашича, ҳозирги кунда 20 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги китоблар ушбу дастурга киритилган ва фойдаланувчи талабига кўра бир зумда электрон каталогдан топиб берилди. Бу китобхонанинг кутиб қолиши, вақт йўқотиши олдини олади.

17та компютер жамланмасидан иборат компютер зали ҳам фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади. Матн териш ва босмадан чиқариш, интернет, нусха кўчириш каби пуллик хизматлар шу яқин атрофдаги аҳоли ҳамда доимий фойдаланувчилар учун қулайлик яратади.

Бинода, шунингдек, кутубхона тарихи музейи, конференция зали, маълумот-библиографик аппарати, ахборот-кутубхона хужжатлар жамғармаси ўрин олган.

“Турон” АКМ Тошкент вилояти кутубхонаси бўлгани учун ҳам у эндиликда вилоят ҳудудига яқинлашди. “Турон” вилоятдаги барча ахборот-кутубхона муассасалари учун услубий марказ ҳисобланади. Марказ вилоятдаги 127та мактаб, академик лицей, коллежлар ва олий ўқув юрталарининг ахборот-ресурс марказлари билан иш олиб боради. Бу маскан вилоят кутубхоначилари учун ўқувлар ўтказиш, методик ишларни амалга ошириш учун ҳам тўлиқ имкониятга эга бўлди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Интилишга яраша

Куни-кеча бошланган янги ўқув йилида талаба ёшларимиз сони икки баравар кўпайди. Ўтган дастлабки мавсумда илк бор 330 нафар ўғил-қизни коллежга қабул қилган эдик.

Дарҳақиқат, туманнинг Оққўрғон қишлоғи ҳудудида мактаб ўқувчилари истиқлол туфайли яратилган қулайликдан беҳад мамнун. Тенгдошлар олинган тўққиз йиллик таълимдан сўнг танлаган хунарни эгаллаш учун узоққа юришмайдиган бўлишди. Эътиборлиси, транспорт қатори алоқа соҳаси мутахассиси бўлишга аҳд қилганлар ҳам оз эмас. Ёки улар сони кейинги икки йилда 120 нафарга етди.

Ўқув йили бошланишига бағишланган тантанали тадбирда талаба-ёшларга амалдаги Баркамол

авлод йилида яхши тилаклар билдирилди. Ўз навбатида, юртимиз келажаси эгалари эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдор эканликларини айтишди. Улар ёрқин истиқбол йулида тиним билмай изланишларини ҳамда танлаган касблари силрларни пухта ўрганишларини сидқидилдан изҳор этишди.

Муҳими шундаки, мустақил Ватанимизнинг чекка бир қишлоғида очилган касб-хунар коллежмизда бундай интилишларни қўллаб-қувватлашга яраша шарт-шароит яратилган. Хусу-

сан, алоқа соҳасига ихлос қўйган шоғирдлар билан малакали мутахассислар шуғулланишмоқда. Коллеж ўқитувчилари — Норбой Зиёкулов ҳамда Отабек Сатторовлар Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчилари ҳисобланишади. Бу маҳаллий кадрлар ўз билим ва маҳоратларини кўзланган олижаноб мақсадга бахшида этишмоқда. Шундай экан, касб-хунар коллежининг узатиш тизимларини тузатиш ва монтаж қилиш техникни ҳамда почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўйича мутахассиси йўналишларини битирганлар келгусида мустақил ҳаётда ўз ўринларини албатта топади, леб умид қилсак бўлади.

Акрам ШОДМОНОВ,
Шеробод транспорт ва алоқа
касб-хунар коллежи директори

ЕДИНАЯ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНАЯ СЕТЬ ВУЗОВ -

улучшение качества учебно-воспитательного процесса

Мир ИКТ изменяется быстро. Развитие новых технологий и с ними, новых возможностей, идут в увеличивающейся скорости. Это обеспечивает много возможностей для правительственного и частного секторов, и в образовательных учреждениях.

Важнейшей функцией библиотек является обеспечение свободного доступа общества ко всей необходимой ему информации. Информация — важнейший ресурс экономического и культурного развития общества. В настоящее время обеспечить массовый оперативный доступ к своим ресурсам библиотеки могут только используя новейшие компьютерные и информационные технологии.

Под корпоративной информационно-библиотечной системой мы понимаем объединение независимых в административном и хозяйственном отношении библиотек для совместного решения стоящих перед ними целей и задач, и, прежде всего, улучшения качества учебно-воспитательного процесса в ходе непрерывного педагогического образования путём создания единого информационного пространства. Учитывая выше перечисленных можно организовать корпоративную информационно-библиотечную сеть вузов Ташкента.

Ташкентская корпоративная информационно-библиотечная сеть ВУЗов, это — соединение всех вузов в городе Ташкент в единую информационно-библиотечную систему. Корпоративная сеть ВУЗов это — обмен между собой информацией, мыслями, разными понятиями, а также новыми достижениями в каждой сфере деятельности.

Функциональные возможности системы:

Позволяет формировать и обрабатывать электронные каталоги и пол-

нотекстовые базы данных электронных учебников, книг, периодических изданий, справочно-методической литературы и др., а также формировать сводный электронный каталог участников консорциума в корпоративной сети;

Ориентирована на работу, как в локальных вычислительных сетях, так и в корпоративных Интранет сетях с использованием VPN технологии без ограничения количества пользователей при условии, что клиентской платформой является Windows;

Позволяет обрабатывать и описывать любые виды изданий, как традиционные (книги, учебники, журналы, статьи и т.д.), так и нетрадиционные (аудио и видеоматериалы, компьютерные файлы и программы, картографические материалы и ноты и т.д.);

Полностью совместима с международным стандартом ядра DUBLIN Core для описания библиографических данных и поддерживает электронные каталоги на коммуникативных форматах UNIMARC и RUSMARC;

Позволяет вводить данные в электронный каталог в упрощенной форме по структуре DUBLIN Core и затем конвертировать в структуру UNIMARC;

Обеспечена поддержка национальных шрифтов;

Осуществляет дистанционный доступ к электронным библиотечным ресурсам через Интернет и позволяет

заимствовать записи у других библиотек.

Позволяет создавать личный электронный кабинет для читателей, вести учет их заказов (статистику), дистанционно обслуживать, подавать заказы как по электронному каталогу библиотеки, также литературы, которая в ней отсутствует.

Особо необходимо выделить еще одно направление деятельности библиотек, связанное с тем, что в настоящее время требуется информационно-библиотечная поддержка огромного количества образовательных учреждений, работающих в инновационном режиме.

В нормативных документах органов управления образованием инновационная школа понимается как «государственное либо негосударственное образовательное учреждение системы образования, ведущее инновационную образовательную деятельность, т.е. разрабатывающее и реализующее целостную инновационную образовательную программу на ступенях начального общего, основного общего или среднего (полного) общего образования. Необходимыми общими условиями признания программы школы в качестве инновационной являются: новизна концепции, новые учебные программы, новые формы внутришкольной организации, новое содержание и средства педагогической работы».

Библиотека образовательного учреждения — детского сада, школы, колледжа, университета, в данных условиях не может оставаться традиционным пунктом выдачи литературы. Её функциональные установки видоизменяются, даже вне зависимости от желания администрации учреждения и самой библиотеки. Наиболее явно проявляются следующие аспекты:

1. Возникает значительный разрыв между информационными потребнос-

тями участников образовательного процесса и возможностями их удовлетворения традиционной библиотекой.

2. Недостаточный уровень информационной культуры участников образовательного процесса становится достаточно сильным тормозом их участия в инновациях.

3. Возникает потребность в новых формах и методах информационно-библиотечной работы, целенаправленно поддерживающих инновационные педагогические технологии.

Таким образом, появляются проблемы, проистекающие из необходимости научного осмысления деятельности библиотек, включенных в инновационный режим образовательных учреждений.

В настоящее время ход реализации созданной модели позволяет создать условия для дальнейшего развития библиотечно-информационного обслуживания и качества образовательного процесса. Однако система непрерывного педагогического образования продолжает совершенствоваться, и наша задача, если не опережать, то хотя бы соответствовать её современному уровню.

Организация корпоративного электронного каталога и on-line доступа к нему позволит сократить объемы ввода информации в различных библиотеках, организовать электронный межбиблиотечный абонемент, электронную доставку документов, проводить оперативный анализ комплектования библиотек региона, унифицировать принципы ввода библиографической информации в соответствии с требованиями библиотечно-библиографических стандартов и коммуникативного формата.

С. АХМЕДОВА,

Техник-программист кафедры «Информационных технологий» ТУИТ

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

МТС-Узбекистан: Акция «Все включено» продолжается

МТС-Узбекистан рад сообщить своим абонентам о продлении акции «Все включено» до 1 ноября 2010 года. Напомним, что в рамках данной акции всем абонентам, подключающимся на тарифный план «МТС-Коннект», предоставляется бесплатный GPRS-пакет «Internet 25» с объемом включенного трафика 25 Мб. Более того, абоненты, которые приобретут брендированные USB-модемы E1550 и MF100 у официальных дилеров компании, получат бесплатный GPRS-пакет «Internet 1000» с объемом включенного трафика 1000 Мб. Следует отметить, что при покупке модема, абонент получает специальную карту с защитным слоем, наклеенную на упаковку. Для активации бесплатного GPRS-пакета необходимо стереть защитный слой и отправить указанный код в виде SMS-сообщения на номер 901.

Подключиться на тариф «МТС-Коннект» можно в офисах компании и у официальных дилеров МТС. Брендированные USB-модемы от МТС можно приобрести у официальных дилеров компании, а также у официальных поставщиков — в компаниях Sharifa.com и TS Technology.

1 год интеграции «Unitel» и «Buzton»

Единый оператор связи «Билайн» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») подводил итоги первого года совместной работы двух компаний под общим брендом на рынке Узбекистана.

Комментируя итоги работы, Генеральный директор ООО «Unitel» Андрей Сафронюк отметил: «Год назад мы сделали решающий шаг к интеграции «Unitel» и «Buzton», выступив под единым брендом «Билайн». Сегодня в сознании потребителей «Билайн» — это не только мобильная и фиксированная связь, но и сервис передачи данных, и широкополосный доступ к сети Интернет, и целый ряд других услуг. Мы видим, что пакетные решения привлекательны как для корпоративного, так и для массового рынка, поскольку создают целый ряд преимуществ для наших клиентов».

В результате объединения «Билайн» стал оператором, оказывающим весь спектр телекоммуникационных услуг. В 2009 году в обеих компаниях была внедрена новая модель управления, а вся структура приведена в соответствие с основными стратегическими направлениями бизнеса. На сегодняшний день под брендом «Билайн» успешно действует единая управленческая команда из числа опытных менеджеров.

3G в пяти городах Ферганской долины

Единый оператор связи «Билайн» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») объявляет о запуске в тестовую эксплуатацию сетей третьего поколения в Фергане, Андижане, Намангане, Коканде и Маргилане. Впервые жителям самого густонаселенного региона Узбекистана стали доступны услуги широкополосного мобильного Интернета на скорости до 3,6 Мбит/с.

Комментируя событие, Генеральный директор ООО «Unitel» Андрей Сафронюк сказал: «Мы гордимся тем, что смогли сделать достойный подарок региону и всей стране к празднику Независимости, обеспечив четверть жителей Узбекистана более удобным и быстрым доступом в Интернет по технологии 3G. За два года работы с сетями третьего поколения наши специалисты накопили огромный опыт, который мы постараемся плодотворно использовать в Ферганской долине».

Стандарт HSPA, поддерживаемый сетями третьего поколения «Unitel», обеспечивает полноценный непрерывный доступ к широкополосному Интернету как с помощью телефонов с поддержкой 3G, так и 3G-модемов «Билайн», дистрибуция которых уже налажена на территории Ферганского, Андижанского и Наманганского вилайатов.

Булар орасида баъзи мамлакатлар почта хизматлари Европада кичик почта маъмуриятлари ташкилот (Small European Postal Administration Cooperation, SEPAC)га бирлашишган. SEPAC аъзоларига киришда уч талабга риоя қилинади:

- почта маъмурияти Европада жойлашган бўлиши керак;
- почта маъмурияти мустақил бўлиши керак;
- почта маъмурияти кичик бўлса, ўз бозорига эга бўлиши керак.


SEPAC аъзо-мамлакатлари: Аланд ороллари, Фарер ороллари, Гибралтар, Гренландия, Жерси ороли, Исландия, Мэн ороли, Лихтенштейн, Малта, Монако ва Сан-Марино. Қолган «минипочталар» эса алоҳида фаолият йўлини танлашди.

SEPAC АЪЗОЛАРИ

Монако

Худуди – 2,02 км² (Ўзбекистоннинг худуд бўйича энг кичик туманларидан бири – Булоқбони худудидан 90 маротаба кичик). Қуруқликдаги чегараси узунлиги – 4,4 км.

- Аҳолиси – 35656 киши.
- Расмий тили – француз тили.
- Валютаси – евро.



Монако князлиги — Европа жанубида, Ўрта Ер денгизи қирғоқларида жойлашган, қуруқлик орқали Франция билан чегарадош. Монако — жаҳоннинг энг кичик, бироқ аҳолиси энг зич яшовчи мамлакатларидан биридир. Давлат бошқаруви — конституцион монархия, давлат раҳбари — княз. Монако нафақат Европанинг, балки жаҳоннинг ҳам энг серҳашам мамлақати: пляж ва казинолари, қимматбаҳо дўконлари билан машҳур.

Давлат иқтисодиётнинг қатор соҳалари жумласида почта бўйича ҳам монополияни сақлаб қолган. Бу хизмат билан ягона ташкилот — Франция почтасининг худудий бўлинмаси La Poste Monaco шуғулланади. Банк почта хизматлари эса француз почта банки (La Banque Postale) бўлинмаси Chronopost Monaco зиммасига юклатилган. Почта душанба-шанба кунлари оралигида етказилади ва ҳафтанинг

Почта хизматини йўлга қўйишда сиёсий-ижтимоий, географик омиллар жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, миллиардан ортик аҳолиси бор Хитой ва Хиндистонда почта хизмати кўрсатишни аҳолиси сони 1000 кишига ҳам етмайдиган Ватиканники билан солиштириб бўлмайди ёки худудида асло қуёш ботмайдиган Россияда почта хизмати кўрсатиш 200 гектар худудга эга Монакогадиган кескин тафовут қилади. Бугунги ҳикоямиз Европанинг «митти мамлакатлари»: Монако, Сан-Марино, Лихтенштейн, Андорра, Ватикан ва Люксембургда почта хизматлари қай тарзда амалга ошириляётгани хақида бўлади.

Минипочта: «Кичик Европа»га саёҳат



шу кунлари офисларда мижозларга почта ва банк хизматлари тақдим этилади. Монаконинг барча туманлари: Фонвей, Ларвотто, Монте-Карло ва Ла-Кондаминда почта бўлимлари бор. Монако почта хизмати тарихи XVII аср ўрталарига бориб тақалади. Икки мамлакат ўртасида 1640 йили имзоланган дўстлик шартномаси асосида Франция почтаси князликка ҳам хизмат кўрсатган. Бу ҳамкорлик икки марта — XIX аср бошларидаги Буюк Француз инқилоби пайтида ва Монако Сardinия протекторати остига тушиб қолганда бузилган.


1861 йили император Наполеон III ва Монако шаҳзодаси Чарлз III қўшничилик тўғрисидаги шартномани имзолашди, унда почта хизматини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Монаконинг биринчи почта маркалари 1885 йилнинг июл ойида савлога чиқарилди. Улар француз почта тўлов белгилари ўрнини эгаллади. Бугунги кунда Монакода чоп этиляётган маркалар жаҳон филателистлари учун жуда ҳам қадридлир. Ҳатто мамлакат даромадида маркалар савдоси салмоқли улушга эга.

Сан-Марино

- Худуди – 61 км².
- Аҳолиси – 30368 киши.
- Расмий тили – италия тили.
- Валютаси – евро.

Сан-Марино Республикаси — сайёрамизнинг энг кичик мамлакатларидан бўлиб, Жанубий Европада жойлашган, ҳамма томонидан Италия чегараси қуршовида. Сан-Марино Европанинг энг кўҳна мамлакатларидан саналади.

Сан-Марино почтаси тарихи 1607 йилнинг 7 октябридиган, умумфойдаланиш мумкин бўлган дастлабки почта хизматлари таъсис этилишидан бошланади. Шунга қарамасдан, аҳоли асосан яқин масофада жойлашган Италия шаҳри Римини почта бўлими хизматларидан кўпроқ фойдаланган. Сан-Маринонинг ўзида эса биринчи почта



бўлими 1833 йилда очилган.

XIX аср ўрталарига келиб почта маркалари пайдо бўлган, республика Италия билан шартнома тузди ва италия маркалари муомалага киритилди. Бу жараён 1877 йил 2 мартга қадар — икки мамлакат янги шартнома имзолаб, Сан-Марино ўз маркаларини чиқариш ҳуқуқини қўлга киритунигача давом этди. Мамлакат ташқарисидан бу маркалардан тўлов сифатида фойдаланиб бўлмайди, шунга қарамасдан, ажойиб дизайни боис «made in San-Marino» маркалари дунё филателистлари орасида кенг оммалашиб кетди. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Сан-Марино миллий даромадининг 10 фоизини маркалар савдоси ташкил этади.

Лихтенштейн

- Худуди – 160,4 км².
- Аҳолиси – 34 761 киши.
- Расмий тили – немис тили.
- Валютаси – швейцар франки.

Лихтенштейн князлиги — Австрия ва Швейцария чегарасида жойлашган митти давлат. Дунёда денгизга чиқиш йўли икки мамлакатдан ўтувчи иккита мамлакат бор, бири Ўзбекистон бўлса,

бири Лихтенштейн. Мамлакат номи ҳукмрон династия — Лихтенштейнлар номидан олинган. Давлат бошқарув шакли — конституцион монархия.

Лихтенштейн почта тизими Австрия



почта хизмати томонидан 1817 йилда ташкил этилган, 1911 йилга келиб, икки мамлакат келишувига кўра, князлик ўз маркаларини чиқариш ҳуқуқини қўлга киритди. Шундан бошлаб маркалар мамлакат ҳазинасига салмоқли даромад келтирадиган бўлди. 1920 йилдан князлик Швейцария билан умумий божхона ва валютасига эга бўлди. Бу икки мамлакат ўртасидаги келишувга кўра, швейцарияликлар Лихтенштейнга ҳам почта хизмати кўрсатидиган, шу билан бирга, маҳаллий почтанинг хизмат ваколатлари сақлаб қолинандиган бўлди. Фақатгина XX асрнинг 90-йилларига келиб тўлиқ мустақил почта хизмати ташкил этилди. Бугунги кунда Лихтенштейн почтаси — Liechtenstein Postoffice AGда 240 киши меҳнат қилади (бир қарашда ходимлар сони кам кўринади, бироқ мамлакат аҳолисига тақсимланса 145 нафар фуқарога битта почтачи тўғри келади!!!). Мамлакат бўйича 12та почта бўлими мавжуд бўлиб, уларда почта ва банк хизматлари кўрсатилади.

(Давоми бор.)

P.S.: Газетанинг келгуси сонида SEPAC аъзоларига кирмаган митти мамлакатлар — Андорра, Ватикан ва Люксембург почта хизматлари фаолияти билан танишишингиз мумкин.

Электрон газета нима?

Интернет-нашрлар ва электрон китоблар ашаддий инновация муҳлисларининг ҳақиқий қўмақчиларига айланиб улгурди. Китобни-ку, майли, электрон шаклга ўтириб, истанг махсус қурилма ёки телефонингизга кўчириб мутолаа қилишингиз мумкин, бироқ ўша биз ўрганган газеталарни электрон шаклда ўқиш мумкинми? Уларнинг интернет талқини борку, дея эътироз билдиришингиз мумкин. Эътироз ўринли. Бироқ бу ерда гап ҳақиқий газета ҳақида кетяпти...

Дизайнерлар Сён Кеун Парк ва Бюнг-Мин Ву электрон газета лойиҳасини ишлаб чиқишди. Бу газета интернетдаги янгиликлар сайтларидан фарқли ўлароқ, янгиликларни тўлиқ ёритмаслиги мумкин, фақат у янгиланиб туради.



Муаллифлар ўз ишланмалари жуда катта иқтисодий тежамкорликка олиб келишини таъкидлашган. Атроф-муҳит муҳофазасига катта ҳисса қўшилади — қанчалан-қанча ўрмонлар кесилишининг олди олинади. Яна бир экологик жозибадорлиги, газета корпусини ясашда қайта ишланган пластикдан фойдаланилади.

«Электрон газета»нинг иш тартиби қуйидагича: деворга интернетга уланиш нуқтаси ўрналади, у юпқа дисплейдаги ахборотни янгилаб боради. Янгилик келгани ҳақидаги сигнални кўриши билан фойдаланувчи қурилмани қўлига олиши ва ўзига қизиқ маълумотларни танлаб ўқиши мумкин бўлади.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади.

Ахборотни химоялаш

Ахборот-коммуникация тизимларининг оммавий равишда автоматлаштирилган ҳолда бошқарилиши сабабли ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб муаммога айланиб бормокда. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникация тизимларида деярли ҳар кун ахборотларни химоялашнинг янги замонавий технологияси пайдо бўлмокда.

Кичик ҳажмдаги ахборотлар билан ишлайдиган ташкилотларда ахборотларни химоялаш учун оддий усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ўқиладиган қимматбахо қоғозларни ва электрон ҳужжатларни алоҳида гуруҳларга ажратиш ва ниқоблаш, ушбу ҳужжатлар билан ишлайдиган ходимларни тайинлаш ва уларни ўргатиш, бинони кўриқлашни ташкил этиш, хизматчиларга қимматли ахборотларни тарқатмаслик мажбуриятини юклаш, ташқаридан келувчилар устидан назоратни ўрнатиш, компютерларда химоялашнинг оддий усулларини қўллаш ва ҳоказо.

Ахборотни ҳуқуқий химоялаш элементи химоялаш чораларининг ҳақди эканлиги маъносиди ташкилот ва давлатларнинг ўзаро муносабатларини юридик мустақамлаш ҳамда ходимнинг ташкилот қимматли ахборотини химоялаш тартибига риоя қилиши ва ушбу тартибни бузилишида жавобгарлиги тасаввур қилинади.

Химоялаш тизими узлуксиз, режалли, марказлаштирилган, мақсадли, аниқ, ишончли, комплексли, осон мукамаллаштириладиган ва кўриниши тез ўзгартириладиган бўлиши керак. У одатда барча экстремал шароитларда самарали бўлиши зарур.

Ахборот-коммуникация тизимларида тасодифий таъсир кўрсатиш сабаблари таркибига қуйидагилар кирлади:

Назарий томондан бу компонентларга нисбатан тўрт турдаги хавфлар мавжуд, яъни узилиш, тутиб қолиш, ўзгартириш ва сохталаштириш:

- узилиш — қандайдир ташқи ҳаракатлар (ишлар, жараёнлар)ни бажариш учун айни вақт-

ҳоказо ҳаракатлар тутиб олиш жараёнларига мисол бўла олади.


- ўзгартириш — ушбу жараёнда ғаразли шахс нафақат компютер тизими компонентлари (маълумотлар тўпламлари, дастурлар, техник элементлари)га киришни қўлга киритади, балки улар билан манипуляция (ўзгартириш, кўринишини ўзгартириш) ҳам қилади. Масалан, ўзгартириш сифатида ғаразли шахснинг маълумотлар тўпламидаги маълумотларни ўзгартириши, умуман, компютер тизими файлларини ёки қандайдир қўшимча ноқонуний қайта ишлашни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётган дастурнинг кодини ўзгартириши тушунилади.
- сохталаштириш ёрдамида ғаразли шахслар тизимда ҳисобга олинмаган вази-ятларни ўрганиб, ундаги камчиликларни аниқлаб, кейинчалик ўзига керакли ҳаракатларни бажариш мақсадида тизимга қандайдир сохта жараённи ёки тизим ва бошқа фойдаланувчиларга сохта ёзувларни юборади.

Ахборот-коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усул ва воситаларини қуйидагича таснифлаш мумкин.

Тўққинлик — аппаратларга, маълумот ташувчиларга ва бошқаларга киришга жисмоний усуллар билан қаршилиқ кўрсатишидир.

Фойдаланишларни бошқариш — тизим захиралари билан ишлашни тартибга солиш усулидир. Ушбу усул қуйидаги функциялардан иборат:

- тизимнинг ҳар бир объектини, элементини идентификациялаш, масалан, фойдаланувчиларни;
- идентификация бўйича объект ёки субъектнинг ҳақиқий, асл эканлигини аниқлаш;
- қабул қилинган регламент бўйича ишлаш шароитларини яратиш ва ишлашга рухсат бериш;
- химояланган захираларга қилинган муружаатларни қайд қилиш;



қилинган тартибларни бажаришга йўналтирилган. Юқорида келтирилган усуллари амалга оширишда қуйидагича таснифланган воситалар татибқ этилган.



Расмий воситалар шахслар иштирокисиз ахборотларни химоялаш функцияларини бажарадиган воситалардир.

Норасмий воситалар бевосита шахслар фаолияти ёки уларнинг фаолиятини аниқлаб берувчи регламентлардир.

Техник воситалар сифатида электр, электро-механик ва электрон қурилмалар тушунилади. Техник воситалар, ўз навбатида, жисмоний ва аппаратли бўлиши мумкин.


Аппарат-техник воситалар деб телекоммуникация қурилмаларига киритилган ёки у билан интерфейс орқали уланган қурилмаларга айтилади. Масалан, маълумотларни назорат қилишнинг жуфтлик чизмаси, яъни жўнатиладиган маълумот йўлда бузиб талқин этилишини аниқлашда қўлланиладиган назорат бўлиб, автоматик равишда иш сонининг жуфтлигини (назорат разряди билан биргаликда) текширади.

Жисмоний техник воситалар - бу автоном ҳолда ишлайдиган қурилма ва тизимлардир. Масалан, оддий эшик қулфлари, деразада ўрнатилган темир панжаралар, кўриқлаш электр ускуналари жисмоний техник воситаларга кирлади.

Дастурий воситалар - ахборотларни химоялаш функцияларини бажариш учун мўлжалланган маҳсул дастурий таъминотдир.

Ташкилий химоялаш воситалари - телекоммуникация ускуналарининг яратилиши ва қўлланиши жараёнида қабул қилинган ташкилий-техник ва ташкилий-ҳуқуқий тадбирлардир. Бунга бевосита мисол сифатида бинолар қурилиши, тизимни лойиҳалаш, қурилмаларни ўрнатиш, текшириш ва ишга тушириш жараёнларини келтириш мумкин.

Ахборот-коммуникация тизимларининг ривожланиши натижасида ахборотларни химоялаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳимоя тизимининг комплекслигига унда ҳуқуқий, ташкилий, муҳандис-техник ва дастурий-математик элементларнинг мавжудлиги билан эришилди. Элементлар нисбати ва уларнинг мазмуни ташкилотлар ахборотини химоялаш тизимининг ўзига хослигини, унинг тақдорланмаслигини ҳамда бузиш қийинлигини таъминлайди.



даги ишларни вақтинча марказий процессор қурилмаси ёрдамида тўхтатишдир, уларни бажаргандан сўнг процессор олдинги ҳолатга қайтади ва тўхтатиб қўйилган ишни давом эттиради. Ҳар бир узилиш тартиб рақамига эга, унга асосан марказий процессор қурилмаси қайта ишлаш учун қисм — дастурни қидириб топади. Процессорлар икки турдаги узилишлар билан ишлашнинг вужудга келтириши мумкин — дастурий ва техник. Бирор қурилма фақуллодда хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлса, унда техник узилишлар пайдо бўлади. Одатда, бундай узилиш марказий процессор учун қутилмаган ҳодисадир. Дастурий узилишлар асосий дастурлар ичида процессорнинг махсус буйруқлари ёрдамида бажарилари. Дастурий узилишда дастур ўз ишнини вақтинча тўхтатиб, узилишга тааллуқли жараённи бажаради.

- тутиб қолиш — бу жараён оқибатида ғаразли шахслар дастурий воситалар ва ахборотларнинг турли магнитли ташувчиларига киришни қўлга киритади. Дастур ва маълумотлардан ноқонуний нусха олиш, компютер тармоқлари алоқа каналларидан номуаллифлик ўқишлар ва



- рухсатсиз ҳаракатларга жавоб бериш, масалан, сигнал бериш, ўчириб қўйиш, сўровномани бажаришдан воз кечиш ва бошқалар.

Ниқоблаш — маълумотларни ўқиб олишни қийинлаштириш мақсадида уларни криптография орқали кодлаш.

Тартиблаш — маълумотлар билан ишлашда шундай шарт-шароитлар яратиладики, рухсатсиз тизимга кириб олиш эҳтимоли камайтирилади.

Мажбурлаш — қабул қилинган қоидаларга асосан маълумотларни қайта ишлаш, акс ҳолда фойдаланувчилар моддий, маъмурий ва жиноий жазоланадилар.

Ундамоқ — ахлоқий қоидаларга биноан қабул

Танкиддан хулоса чиқарилмас...

Республикада алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар турли алоқа хизматларини кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Яъни ўз салоҳиятини намойён эттишга чоғланган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний жиҳатдан ҳар томонлама кафолатлаб қўйилган. Улардан эса меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда фаолият юритиш талаб этилади.

Ўтказилган текшириш ва ҳамкорликдаги ўрганишларда баъзи субъектлар меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилмаётганлиги маълум бўлиб қолмоқда. Жумладан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2009 йил 30 декабрдаги 4/1-Г-сонли қарори билан тасдиқланган 2010 йил текширишлар режа-жадвалига асосан "RUXSOR TELERADIOKANALI" МЧЖнинг алоқа соҳасидаги фаолияти амалдаги қонун, меъёрий ҳужжатлар, лицензия келишуви шартлари, соҳа ва давлат стандартларининг талабларига мувофиқлиги юзасидан режали текширилди. Ушбу субъект томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилгани маълум бўлди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун жамиятга тегишли кўрсатма берилиб, бажарилиши назоратга олинди.

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК билан ўзара ҳамкорликда ишлаш келишуви асосан Андижон радиотелевизион узатиш марказининг Фарғона участкасига қарашли Чимён радиотелевизион станцияси (РТС) фаолияти ўрганилди. Радиотелевизион станциясида бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг талабларига эътибор берилмаганлиги оқибатида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Мазкур камчи-

ликларни бартараф этиш юзасидан станцияга тавсиялар берилди ва уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастота спектри тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Мақамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-қарори 7-илловаси «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, куриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида Низом» ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигиндан 2005 йил 7 декабрда 1531-сон билан давлат рўйхатида олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги Низом» талаблари бажарилиши юзасидан вилоят ҳудудида радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича ваколатли органлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Тегишли органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида «Симус» МЧЖ томонидан «Oginoco ru» русумли, «ROLAND TAXI» МЧЖ томонидан «KENWOOD» русумли, фуқаро А.Н.Шононов томонидан «SENAO-358» ру-

сумли радиоэлектрон воситаларга ва «Фарғона кабел телевидениеси» МЧЖ томонидан радиоканалларга Электромагнит мослашув марказидан фойдаланиш учун тегишли рухсатномалар олмасдан, ноқонуний равишда радиоэлектрон воситалардан фойдаланилаётгани аниқланди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарлик қералари қўрилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида вилоят Давлат алоқа инспекциясида ташкил этилган «Ишонч телефони» хизмати алоқа корхоналари томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматларига 2010 йил 1 чораги давомида жами 117та мурожаат тушган бўлиб, улар асосан хизмат кўрсатувчи ходимларнинг истеъмолчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётганлиги, хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги, кабел телевидение кўрсатувларида узилишлар бўлаётганлиги, сифатсизлиги, почта жўнатмалари бўйича қидирув сўровномалари ва телефонларнинг қониксарсиз ишлаётганлиги тўғрисида бўлмоқда. Мурожаатларни ўрганиб чиқиш жараёнида 43та мурожаат хўжалик юритувчи субъектлар айби билан бўлганлиги ва асосли эканлиги маълум бўлди. Мурожаатларнинг сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга, субъектлар айби билан бўлган шикоятлар эса 27 фоизга камайган бўлишига қарамасдан, юқори турувчи ташкилот ва муассасаларга тушаётган шикоятлар асосли бўлиб чиқмоқда. Масалан, 2010 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига истеъмолчилар томонидан телефонларнинг қониксарсиз ишлаётганлиги

тўғрисида йўлланган иккита ёзма мурожаат асосли эканлиги аниқланди.

Почта алоқасининг универсал хизматлари сифатини ва хатларнинг назорат муддатларида етиб боришини назорат қилиш мақсадида шаҳар ва туманларда жойлашган алоқа бўлимлари ва почта қўтилари орқали 2010 йилнинг 1-чораги давомида 28та оддий ва 28та буюртмали назорат хати жўнатилиб, уларнинг почта қўтиларидан олиниши, қабул қилиниши, ишлов берилиши, жўнатилиши, етказилиши ва назорат муддатига ўтиши таҳлил қилинганда, меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилмасдан, камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, яъни 12та хат почта кутисидан кеч олинганлиги, 2та хат истеъмолчига кечиктириб етказилгани, 2та хатнинг етказиб бериш назорат муддати бузилганлиги, 2та хат манзилга етиб келмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиалининг буйруқларига асосан иш жараёнида ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан ёндашган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий қоралар қўрилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, жойларда иш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича муҳокама қилинмаяпти, ўқув, малака ошириш ва тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмапти. Корхоналар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада таъминланмаган.

Умид қиламизки, камчиликларга йўл қўйиб келаётган субъектларнинг мутахассис ходимлари танқиддан ўринли хулоса чиқариб, ўз фаолиятларини меъёрий ҳужжатлар асосида тубдан яхшилайдилар.

Мўминжон РАФИҚОВ,
Фарғона вилояти ДАИ бошлиғи

Тараққиёт шиддати ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида кўзга ташланади. Зеро, бу турмуш фаровонлиги, замон билан ҳамнафасликнинг ёрқин далили ҳамдир. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлагига айланмоқда. Масалан, мобил телефонлар шу қалар омалашди-ки, сўнгги ҳисоб-китобларга қўра, мамлакатимизда уяли алоқа абонентларининг сони 12 миллиондан ошиб кетди. Шунга яраша, мобил телефонларга бўлган эҳтиёж ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Аммо, айна шу эҳтиёждан мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари қаторида божхоначилар ҳам уларга қарши чора-тадбирларни мунтазам олиб бормоқдалар.

Натижада, жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида республикамиз божхоначилари томонидан аниқланган 310та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 315,3 миллион сўмлик 3000 донага яқин мобил телефонларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Маълумки, Вазиrlар Мақамасининг 2002 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги 427-сонли Қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг мажбурий марказлаштириш шарт бўлган турлари орасига кўчма телефонлар, жумладан, уяли алоқа воситалари ҳам киритилган.

ҚОНУНБУЗАРЛАР

“ракамига вақтинчалик қўнғирок килиб бўлмайди!”

божхона расмийлаштирувдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган 36 дона уяли телефон ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланган. «Nokia» бренди остида Хитойда ишлаб чиқарилган ва қиймати 1,8 миллион сўмдан ортиқ бўлган ушбу «сотка»лар фуқаро Р.Асадовга тегишли экан.

Навоийлик божхоначилар эса фуқаро А.Рустамов томонидан 5 турдаги 53 дона мобил аппарат ва 170 дона уяли телефон эҳтиёт қисмларининг яширин равишда олиб кетилишига нуқта қўйишди. Текширувлар чоғида, қонунбузар қиймати 3,3 миллион сўмдан ортиқ ушбу товар-моддий бойликларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамкорликда Булунгур туманида 7 миллион сўмлик уяли алоқа воситаларининг кўзланган «манзил»га етказилишига чек қўйишди. Гап шундаки, қосонлик А.Хўжамуродовга тегишли «Nokia», «Samsung» русумли 86 дона мобил телефон давлат тилида марказланмаган экан. Демакки, божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш ҳам ортиқчун!

Қосонсой туманини қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлда ҳаракатланаётган «ЛУАЗ»

автомашинаси наманганлик божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тўхтатилиб текширилганда, фуқаро Х.Собитхонов томонидан 3 турдаги салкам 200 дона уяли телефон ноқонуний равишда олиб кирилганлиги аён бўлди. Қонунбузар қиймати салкам 30 миллион сўмлик ушбу товарларни муқаддам 03-оғ микдорда пиёда равишда олиб ўтган экан.

Фарғоналик божхоначилар ҳам уяли алоқа воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ йирик қонунбузарлик ҳолатига чек қўйишди. Олтиариқ туманининг чегарадош ҳудудида ҳуқуқ посбонларига «дуч» келган фуқаро А.Умаркулов ёнидаги 3 хил русумли 205 дона уяли телефонга тегишли биронта ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим қилолмагани боис ер чизишдан нарига ўта олмади. Божхона назоратини четлаб ўтиб, яширинча олиб киришга уринилган «Samsung», «Nokia», «LG» русумли мазкур мобил воситаларининг умумий қиймати оз эмас, кўп эмас, салкам 68 миллион сўмга тенг экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати

QILMISH-QIDIRMISH



Нурли манзиллар

Тиркаш Очилов 1963 йилнинг 16 июлида Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида туғилган. 1980 йилда ўрта мактабни тугатиб, Қарши политехникумига ўқишга кирди. Ҳарбий хизматдан сўнг ўқишни давом эттирди, йўлланма билан Муборак туманидаги қурилиш ташкилотига ишга кирди. 1985 йилдан 1998 йилгача Ғузор туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида экспедитор, шу тумандаги Шерали почта алоқаси бўлими бошлиғи, Қашқадарё давлат почта ишлаб чиқариш ва матбуот таркатувчи корхонасида муҳандис, алоқа бўлими бошлиғи, кейинчалик вилоят корхонасида бошлик ўринбосари вазифаларида ишлади.



Айни дамда Қашқадарё вилоят «Матбуот таркатувчи» шўъба корхонаси директори лавозимида ишлаб келаётган қаҳрамонимиз ишдан ажралмаган ҳолда сиртдан 1993 йилда Тошкент алоқа коллежини, 2002 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини тугатган.

Вилоят «Матбуот таркатувчи» ШҚда бугунги кунда даврий нашларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи 90та савдо-матбуот дўкони, Шахрисабз туманида алоҳида бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Тиркаш Очиловнинг ишчи-ҳодимларга ғамхўрлиги туфайли хабарчилар вилосипед билан таъминланди, обуна ва чакана савдо учун на-

шларни етказишда автотранспорт воситаси, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида «ЎЗИ-Қарши» филиали билан шартнома тузилиб, 10та таксофон ишлаши йўлга қўйилди. 2003 йилда шўъба корхона маблағига Қарши шаҳри марказидан барча қулайликларга эга бино сотиб олди.

Корхонада жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ишлари мақтовга сазовор. Алоқа ходимлари ўртасида ўтказилиб келинаётган спартакиадаларда шўъба корхона ходимлари фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар.

Тиркаш Очилов нафақат ташки-

лотчи раҳбар, балки тadbirkor ҳам. Ғузор туманида оилавий пудрат асосида 16 гектар ерда деҳқончилик қилади. Ташкил этган фермер хўжалиги ортидан келаётган даромад оиланинг мустақамлигини, иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги таъминламоқда. Ерни сийлагани ер ҳам сийлайди, дейди доно халқимиз. Оила аъзоларининг пешона тери, қалб кўри эвазига етиштирилаётган ҳосилнинг чўғи баланд.

— Ҳаммамиз учун азиз бўлган мустақиллик санасини шод-хуррамлик билан қутиб олдик, — дейди у. — 2011 йил учун обуна мавсумини аллақачон бошлаб юборганмиз. Мустақиллик байрами бу йил мен учун

алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мени «Ўз касбининг устаси» белгиси билан тақдирлади. Тўғриси айтсам, бу мукофот менга қувончдан кўра масъулият юклагандай. Чунки, бу каби унвон соҳибини нафақат шахсий ҳаётда, балки жамоада ҳам бунга муносиб бўлиши керак.

Ҳар бир жамоа улуг кунлар, байрамларга тўёна ҳозирлайди. Корхонамиз жамоаси фақат обуна мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш эмас, кишиларга намунали хизмат кўрсатиш, хизмат турларини кенгайтириш мақсадида. Жорий йилда вилоятнинг бир неча туманларида замонавий кўринишга эга матбуот ва китоб дўконларини ташкил этдик. Яқин кунларда Китоб тумани марказида ана шундай жаммуалардан бири фойдаланишга топширилади. Истагим, байрамлар байрамларга ялансиз, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Нурли кунлар нурли манзиллар томон етаклайди. Бугун элим, юртим деб яшаётган инсонлар қалбида шукроналик туйғуси жўш урмоқда. Ана шу туйғулар бор бўлсин.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг

Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Икки хабар

Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамга бағишлаб «Ватан — улуг, Мустақиллик — бахт» мавзuida китоб кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбирни АКМ директори И.Хамроев кириш сўзи билан очди.

Республика АКМ директори ўринбосари Ҳасан Келдиев сўзга чиқиб, барчани истиқлол байрами билан табриклади.

Шундан сўнг АКМ илмий-услугият ва ахборот-библиография бўлимлари томонидан мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб тайёрланган «Дилда боримсан Ватан» ҳамда «Истиқлолнинг муборак, азиз Ватаним» мавзуларидаги услубий қўланма ва тавсия рўйхати тақдими бўлиб ўтди.

Китобхонлар кўргазмадан ўрин олган адабиётлар билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдидлар.

Тадбирда фаол китобхонлар ва кутубхоначи ходимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори кутубхоначилик тизимида янги даврни бошлаб берди.

23-25 август кунлари РАКМ директор ўринбосари Ҳ.Келдиев ҳамда РАКМ бош мутахассислари Д.Қудратова, М.Мақсумовалар А.Қодирий номидаги Навоий вилоят АКМ ходимлари ҳузурда бўлишиб, уларнинг билимини қайта синовдан ўтказишда ва синов натижалари асосида семинар ўқув машғулотни ташкил этилди. Ягона фонд ва унинг афзалликлари, китобхонлар ва уларга яратилган шарт-шароитлар, китобхон сўровларини сифатли бажариш, кўчма кутубхона ва кўчма кўргазмаларни ташкил этиш, библиографик сўровларни тезкорлик билан бажариш, кутубхоначи маданияти, китобхон анкеталари каби мавзулар слайдлар ёрдамида атрофлича ёритилди. Семинарда АКМ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича фикр мулоҳазалар алмашдилар. Ходимлар ўтказилган семинардан кўп янгиликлар олишди.

Ш.БАҚОЕВА,

вилоят АКМ директори ўринбосари.

Жамила БОБОМУРОДОВА,

вилоят АКМ илмий-услугият бўлими мудири

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

«Андижон Телеком» филиали ва Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари меҳнат фахрийси

Исмоилхожа АҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Бахтиёр она

Насиба Даджоновна Тошкент электротехника алоқа институтининг автоматик электралоқа факултетини тамомлаб, Қўқон шаҳар алоқа боғламаси 3-АТСга техник вазифасига ишга кирди. Ўз касбининг яхши уддалай олгани ва жамоада ҳурмат қозонганлиги сабабли унга раҳбарият томонидан ишонч билдирилиб, 1988 йилда боғламанинг ходимлар бўлими муҳандиси вазифасига ўтказилди.



У ҳозирги кунда «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг 2-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ишлаб-чиқариш лабораторияси етакчи муҳандиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Алоқа соҳасида олган тажрибаси туфайли техник бўлимда иш юритиш қондалари ва талабларини мукамал эгаллаган. 2004-2005 йилларда Фарғона водийсида Япония сармоси доирасида ЈВІС лойиҳасини амалга ошириш бўйича оптик толали кабел магистралари ётқизишида техник ҳужжатларни тузиш ва паспортлаштириш ишларида фаол иштирок этди.

2009 йилда «Фарғона водийсида ОТАЛни кенгайтириш ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш ва HUAWEI компаниясининг SDH/DWDM/IPMPLS технологиялари асосида рақамли узатиш тизимларини ўрнатиш ишларининг техник жараёни тўғрисида маълумотлар тайёрлашда қатнашди.

Одамларни ҳурмат қилиш, жамоасидаги барча ишчи-ҳодимларга, дўстларига қўлидан келганича ёрдам бериш Насибaxonнинг асл фазилатларидан бири.

Она учун фарзандлари камолини кўришдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Насибaxon ҳам ана

шундай бахтиёр оналардан бири, у ўзидаги бор ақл-заковатни, ҳаётий тажрибаларни, отабобларининг инсонийлик фазилатларини фарзандларига ҳам сингирган.

Қизи Наргизaxon ҳам алоқачилик касбинини танлаган — Андижон телекоммуникациялар коллежини имтиёзли тамомлаб, ҳозирда онаси билан бир сафда сидқидиллан ишлаб келмоқда. Телекоммуникация соҳасининг қайси бўлинмаларида ишлаганини, ўзидан бирор из қолдиришга, соҳа учун фойдаси тегадиган янгиликлар яратишга ҳаракат қилади. «Мен учун доимо биринчи навбатда ҳалоллик ва топширилган вазифаларни виждонан бажариш асосий мақсад бўлиб келган», — дейди у.

Насибaxon кўплай ёшларга устоз ҳамдир. Улар ҳозирги кунда эл-юрт манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Жамоадоллари Н.Даджоновани таваллуд топган куни билан муборакбод этади ва келгусидаги ишларига катта муваффақиятлар тилаб, фарзандлари камолини кўришига тилак билдиради.

Мақсуджон ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
ШМАТБ муҳандиси

Финалчи футзалчилар

Хабарингиз бор, ҳар йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюشمаси марказий кенгаши Кубоги учун минн-футбол мусобақалари ўтказилади. Бу йили финал босқичи сентябр ойи охирида ТАТУ спорт залида ташкил этилади.

Саралаш мусобақалиридан сўнг Кубок финалида иштирок этадиган барча 12 жамоа номи маълум бўлди. Қуйида финал баҳсларида иштирок этадиган жамоалар таркиблари билан танишасиз.

ТНПТ	
1. Абдурашид Абдумўминов	1965 Директор
2. Жамшид Жанзаков	1977 Нозим
3. Шерзод Эргашев	1979 Эл.монтёр
4. Сарвар Кочкартаев	1974 Янги тех.маркази
5. Азиз Мухитдинов	1985 Бош мутахассис
6. Азамат Мирзаев	1989 Эл.монтёр
7. Фаррух Камалов	1979 Эл.монтёр
8. Шавкат Мухитдинов	1976 Монтёр канализаторчи
9. Аҳмад Эргашев	1984 Мураббий
10. Шерзод Юлдашев	1983 Эл.монтёр

Жамоа вакили: Асқар Абдуллаев

ТНПТ-2	
1. Улугбек Ядгоров	1976 Мухандис
2. Нурматилла Батиркулов	1986 Эл.монтёр
3. Солиқ Арифджанов	1988 Эл.монтёр
4. Булат Анваров	1988 Эл.монтёр
5. Рустам Ядгаров	1982 Мухандис
6. Даврон Жабборов	1983 Линия муҳандиси
7. Алишер Турсунов	1978 Бош бухгалтер
8. Фуркат Мўминов	1990 Эл.монтёр
9. Саъдулла Убаев	1980 Линия муҳандиси
10. Азиз Назарбеков	1984 Кабелчи-пайванцловчи

Жамоа вакили: Асқар Абдуллаев

UZNET	
1. Хусниддин Тўйчиев	1978 Директор ўринбосари
2. Шухрат Маликов	1976 Бўлим бошлиғи
3. Мирсултон Шарипов	1982 Бўлим бошлиғи
4. Рашид Набиев	1984 Бўлим бошлиғи
5. Анвар Аширов	1982 Бош мутахассис
6. Бобур Шоумаров	1984 Бош мутахассис
7. Жасур Шорахмедов	1984 Етакчи мутахассис
8. Фаррух Алимов	1988 Етакчи мутахассис
9. Сарвар Хафизов	1984 Етакчи мутахассис
10. Евгений Панов	1986 Етакчи мутахассис
11. Бегзод Мухаммаджанов	1984 Етакчи мутахассис
12. Фаррух Миралимов	1989 1-тоифали мутахассис

Жамоа вакили: Рашид Закиров

ШАК	
1. Баҳром Аҳмедов	1979 Мухандис
2. Муртоза Сунонов	1981 ШМАТБ-8 эл.монтёри
3. Акмал Холматов	1985 ШМАТБ-4 эл.монтёри
4. Элёр Домлаев	1987 ШМАТБ-2 эл.монтёри
5. Аҳром Рустамов	1988 АТЦ эл.монтёри
6. Маъружан Суфиев	1976 ИЧП етакчи мутахассиси
7. Зоир Олимов	1984 ШМАТБ-1 эл.монтёр
8. Марлан Бердиқличев	1983 Мухандис
9. Абборжон Мухаммедов	1976 ШМАТБ-5 КУҚ раиси
10. Азиз Уралов	1986 1-КУ эл.монтёр

Жамоа вакили: Қаҳрамон Саримсақов

БИЛАЙН	
1. Акмал Жураев	1983 Мухандис

2. Фарход Дадабаев	1983 Мутахассис
3. Валерий Светличный	1975 Техникдир. ўринбосари
4. Журъат Салахитдинов	1981 Бош мутахассис
5. Рустам Икромов	1981 Гуруҳ раҳбари
6. Нодир Алибеков	1985 Бўлим бошлиғи
7. Рашид Норқулов	1987 Мутахассис
8. Азиз Абдуллаев	1983 Мутахассис
9. Асан Абдурахманов	1970 Иўналиш раҳбари
10. Максуд Хусанов	1986 Бош муҳандис
11. Даврон Назарханов	1982 Мутахассис
12. Зафар Хусанов	1981 Бош мутахассис

Жамоа вакили: Асан Абдурахманов

ТАТУ	
1. Александр Семёнов	1955 Лаборатория мудири
2. Лазиз Жураев	1976 Лаборант ассистент
3. Ориф Эрдонов	1981 Доцент
4. Владимир Бочаров	1979 ОКС техниги
5. Дамир Исмайтиев	1984 Спорт клуби мудири
6. Станислав Кудряшов	1975 Катта лаборант
7. Акбар Пулатов	1982 Лаборант
8. Фахриддин Егамбердиев	1985 Лаборант
9. Марат Турабеков	1987 Лаборант
10. Андрей Хамраев	1987 2-босқич магистранти

Жамоа вакили: Иллар Қотбахтиев

НАМАНГАН ТЕЛЕКОМ	
1. Рашид Дадаханов	1974 Таксофон бўл. бошлиғи
2. Отабек Алибаров	1980 Иш ҳақи ҳисобчиси
3. Оқилжон Адхамов	1982 Эл.монтёр
4. Зафар Қўчқаров	1983 2-тоифали муҳандис
5. Мурод Мамажонов	1979 Ҳисобчи
6. Аҳам Турдиев	1982 Қарз ундириш бўлими
7. Дилшод Икромов	1983 ЭАТС бошлиғи
8. Носир Иброҳимов	1983 Эл.монтёр
9. Ботир Сиддиқов	1980 Хазиначи оператор
10. Ҳабибулло Сиддиқов	1975 Эл.монтёр

Жамоа вакили: Рашид Дадаханов

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ	
1. Шухрат Ҳакимов	1974 филиал директори
2. Зокир Ҳамидов	1969 И/ч техник
3. Камолиддин Файзиев	лабораторияси муҳандиси
4. Ёқубжон Анорқулов	1982 Омборхона мудири
5. Абдуқодир Иргашев	1981 Шаҳарлараро автоматик телефон станцияси цехи бошлиғи
6. Ҳабиб Мамадалиев	1977 Эл.монтёр
7. Абдулфиз Иброҳимов	1984 Эл.монтёр
8. Абдувоҳид Қалиров	1984 Эл.монтёр
9. Олимжон Рустамов	1987 Эл.монтёр
10. Юлдаш Хайтбаев	1984 Ҳайдовчи
11. Дилмурод Урунбаев	1979 Кросс оператори
12. Ботиржон Нурматов	1974 Тармоқ муҳандиси

Жамоа вакили: Бахтиёр Рафиқов

ЎЗИ-ЖИЗЗАХ	
1. Асрор Фозилов	1967 Филиал директори
2. Ориф Махмудов	1965 Спорт йўриқчиси
3. Фулом Қурбонов	1972 Биллинг менежери
4. Абдусалом Қурамамов	1980 Ҳайдовчи
5. Алишер Эгамназаров	1971 Тезвек бўлим бошлиғи
6. Бобур Солиев	1982 Хазиначи
7. Иброҳим Рашидов	1986 АТС-6 станцияси эл.монтёри
8. Отабек Камолов	1986 Маркетинг бўлими
9. Сардор Носиров	1985 Бош иқтисодчи
10. Аҳром Бозоров	1989 Кабелчи-пайванцловчи
11. Фарход Фанибоев	1990 Эл.монтёр
12. Радик Изелбаев	1980 Кабелчи-пайванцловчи

Жамоа вакили: Асрор Фозилов

САМАРҚАНД ШМАТБ-4	
1. Рустам Қузиёв	1987 Эл.монтёр
2. Жасур Алимов	1984 Мухандис
3. Азамат Шарафиддинов	1982 Эл.монтёр
4. Шерали Эргашев	1980 Эл.монтёр
5. Қобилжон Умаров	1987 Эл.монтёр
6. Олим Бобобеков	1975 Бош муҳандис
7. Жаҳонгир Жуманов	1986 Эл.механик
8. Дилшод Халилов	1988 Эл.монтёр

Жамоа вакили: Олим Бобобеков

"АЛОҚАБАНК" Навоий филиали	
1. Нормамал Обитов	1959 Ҳуқуқшунос
2. Рустам Ҳасанов	1987 Кредит бўлими мутахассиси
3. Воҳид Иботов	1990 Омбор мудири
4. Жонибек Хайтов	1987 Пластик карталар бўлими
5. Икром Сувонов	1986 Жамғарма кассири
6. Азим Расулов	1979 Бухгалтер
7. Фарход Болтаев	1985 Иш юритувчи архивариус
8. Бахтиёр Искандаров	1991 Оператор
9. Умид Обитов	1987 ВБУҚ мутахассиси

Жамоа вакили: Умид Иботов

"АЛОҚАБАНК" Бухоро филиали	
1. Замир Азимов	1987 Кредит бўлими 1-тоифали мутахассиси
2. Шерали Жалилов	1984 Омбор мудири
3. Нуриддин Нарзиев	1983 Валюта шўбаси мудири
4. Анвар Холов	1981 Ҳайдовчи
5. Сардор Кулошоев	1987 Пул муомаласи бўлими мутахассиси
6. Умиджон Атаджанов	1990 Кредит бўлими мутахассиси
7. Тоҳир Қурғонов	1969 Ички назорат
8. Рамиз Шарипов	1979 Кассир
9. Хуршид Жумаев	1981 Пластик карточкалар бўлими мутахассиси

Жамоа вакили: Б.Набиев

Спартакиада

Хоразм вилояти алоқа ходимлари ўртасида Баркамол авлод йилига бағишланган уч босқичли республика спартакиадасининг II босқичи ўтказилди.

Спартакиада мусобақалирида 8та корхона иштирок этди ва якуний натижалар қуйидагича кўриниш олд:

Шапка. Аёллар
I ўрин: Ахборот кутубхона маркази – Анабиби Эшимова
II ўрин: "Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Хоразм филиали – Феруза Махмудова
III ўрин: ТАТУ Урганч филиали – Фазилат Дўсчанова.

Эркаклар
I ўрин: ОАТ "Алоқабанк" Хоразм филиалидан Файрат Матқурбонов
II ўрин: "Хоразм Телеком" филиали – Элбек Давлетов
III ўрин: ТАТУ Урганч филиали

ли – Санжар Раҳмонов
Шахмат. Аёллар
I ўрин: ТАТУ Урганч филиали – Фазилат Дўсчанова
II ўрин: "Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Хоразм филиали – Гулноза Ибодуллоева
Эркаклар
I ўрин: ОАТ "Алоқабанк" Хоразм филиали – Файрат Матқурбонов
II ўрин: 9-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси – Руслан Шерназаров
III ўрин: "Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Хоразм филиали – Дилшод Саидов.

Стол теннис. Аёллар
I ўрин: "Ўзбекистон почтаси"

ОАЖ Хоразм филиали – Гулноза Ибодуллоева
II ўрин: ТАТУ Урганч филиали – Барно Анназарова
III ўрин: "Матбуот тарқатувчи" ШК – Хосият Машарипова
Эркаклар
I ўрин: "Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Хоразм филиали – Мурод Раҳимов
II ўрин: ТАТУ Урганч филиали – Санжар Раҳмонов
III ўрин: ОАТ "Алоқабанк" Хоразм филиали – Бекчанов Дилмурод
Кўпқураш мусобақалари
I ўрин: "Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Хоразм филиали
II ўрин: ТАТУ Урганч филиали

III ўрин: "Хоразм Телеком" филиали
Умумжамоа ҳисобида
I ўрин: "Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Хоразм филиали
II ўрин: ТАТУ Урганч филиали
III ўрин: ОАТ "Алоқабанк" Хоразм филиали
Спартакиада мусобақалирида фахрли ўринларни эгаллаган иштирокчи ва жамоаларга турли даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюشمаси қўмитаси раиси З.Бобонова вилоят босқичи голибларида спартакиаданинг республика босқичларида муваффақият тилади.

А.САЛАЕВ,
Хоразм вилояти алоқа ходимлари БКУҚ спорт йўриқчиси

